

# Шайх Зоҳиджон Қодиров ҳазратлари ҳақида маълумот



15:43 / 13 январь 4303

Замонамизнинг забардаст ва етук уламоларидан шайх устоз Зоҳиджон Қодиров 1951 йилнинг 28 декабрида Қозоғистоннинг Чимкент вилояти Сайрам туманидаги Самарқанд қишлоғида таваллуд топган.

Ўрта мактабни тугатиб, 1969-73 йилларда Бухородаги «Мир Араб» мадрасасида таҳсил олди. 1975-79 йилларда Тошкентдаги Имом Бухорий номидаги Ислом олий маъҳадида ўқиб, уни имтиёзли диплом билан тамомлади.

1979-82 йилларда Тароблусдаги Исломга даъват дорилфунунида таҳсил олиб, шариат факультетини имтиёзли яқунлагач, 1987 йилгача Тошкент Ислом олий маъҳадида дарс берди. 1987 йилда Олий маъҳад проректори, 1989 йилда ректор этиб тайинланди. 1990-92 йилларда Ўрта Осиё ва Қозоғистон муслмонлари диний идораси раисининг муовини вазифасида хизмат қилди.

1993 йилдан яна Тошкент Ислом олий маъҳади ректори лавозимида хизматни давом эттириб, тафсир, ислом тарихи ва адабиёт фанларидан дарс берди.

2001-2022 йиллар мобайнида Кувайт давлатининг Тошкентдаги элчихонасида таржимон бўлиб хизмат қилди.

2026 йил 13 январь куни шайх Зоҳиджон Қодиров раҳимаҳуллоҳ бу фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилдилар.

Шайх Зоҳиджон Қодиров ҳазратларининг шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ ҳақларида берган [интервьюлари](#).